(?- 1611-й. 27-август)

Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони (1605-1611). Акаси Бокимухаммадхон даврида Балх ноиби (1599-1605). Бокимухаммад вафотидан сўнг Бухоро тахтига ўтказилган. Валимухаммадхондан сўнг Балх хокими бўлган Надрмухаммадхон бошлик махаллий амалдорлар Имонкулихонни Бухоро тахтига ўтказиш учун Валимухаммадхонга карши фитна уюштирганлар. 1611-йилнинг бахорида Валимухаммадхон Имонкули ва Надрмухаммадхонлар билан бўлган курашда енгилгач Имомкулихон Бухоро хони деб эълон килинган. Валимухаммад эса икки ўглини олиб Эрон шохи Аббос хузурига кочиб борган. Амирлар Бокимухаммадхоннинг ўгли Имомкулихонни тахтга ўтказганлар. Валимухаммад Аббос ёрдамида Мовароуннахрни кайтариб олишга харакат килган. Тарихчи Мухаммад Юсуф мунши ,,Тарихи Мукимхоний” асарида ёзишича, шох Аббос Имомкулихонга карши курашиш учун Валимухаммадхонга 80 минг кишилик кизилбошлилар кўшинини берган. Бирок Самарканд атрофидаги Боги Шамолда бўлган жанг (1611-йил август)да Имомкулихон галаба козонган, Валимухаммад асир олиниб катл этилган.